

Ishonch

2019 йил 21 май • сешанба • № 63 (4192)

Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН ЯНГИ ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 20 май куни Тошкент шаҳрида амалга оширилиши режалаштирилган истиқболли инвестиция лойиҳалари тақдироти билан танишди.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 2018 йил 21 декабрь куни бўлиб ўтган навбатдан ташқари сессиясида пойтахтимизни йирик ишбилармонлик марказига айлантириш, инвестицияларни фаол жалб қилиб, замонавий корхоналар ташкил этиш бўйича вазибалар белгиланган эди. Шунга мувофиқ, жорий йил 4 январда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тошкент шаҳрини инфратузилмавий ривожлантиришга тўғридан-тўғри

хорижий инвестицияларни жалб қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Бугунги кунда пойтахтимизда кичик саноат зоналари ва технопарклар инфратузилмасидан самарали фойдаланиб, юқори технологияли қувватларни ташкил этиш, қўшимча қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш бўйича изчил ишлар олиб борилмоқда. Бу масала давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида турибди.

13 май куни Президент ҳузурида бўлиб ўтган йиғилишда ҳам тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилган ҳолда Тошкент шаҳрида замонавий саноат корхоналари ташкил этиш ишлари таҳлил қилинган эди. Аввал берилган топшириқларга мувофиқ, Тошкент шаҳрида амалга ошириш учун умумий қиймати 617 миллион АҚШ долларидан зиёд 19 та янги инвестиция лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Аҳамиятлиси шундаки, ушбу лойиҳаларнинг барчаси саноат соҳасига оид бўлиб, улар ижроси натижасида 10 мингдан ортиқ иш ўрни яратилади. Хар йили қарийб 1 миллиард долларлик бозорбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш, 290 миллион доллардан зиёд экспорт қилиш имконияти пайдо бўлади.

Лойиҳалар қўшимча қиймати ва маҳаллийлаштириш даражаси юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қаратилган. Кенг турдаги маиший техника, лифт ва эскалаторлар, насослар, сув иситкичлар, қорғоз, қурилиш материаллари, озиқ-овқат маҳ-



сулотлари, маиший кимё воситалари, заргарлик ва шиша буюмлари шулар жумласидандир.

Инвесторлар ва ташаббускорлар ўз лойиҳалари юзасидан тақдиротлар ўтказди. Ушбу корхоналар Тошкент механика заводининг ҳозирда фойдаланилмаётган бино ва майдонларида ташкил этилади. Улар 2019-2020 йиллар давомида ишга туширилади.

Президентимиз ушбу лойиҳалар шаҳарнинг мавжуд инфра-

тузилмасидан самарали фойдаланган ҳолда бозорбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш, аҳолини иш билан таъминлаш жиҳатидан муҳимлигини таъкидлаб, уларни тезроқ ишга тушириш бўйича кўрсатмалар берди. Мутасаддиларга харидоригр саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича умумий қиймати камида 1 миллиард доллар бўлган қўшимча лойиҳалар шакллантириш вазифаси қўйилди.

Ў.А

Кун эътирофи

«Мен дунёнинг кўплаб мамлакатларида бўлганман, уларнинг орасида серқирра маданияти билан мени энг ҳайратлантиргани – биринчи навбатда, Самарқанд шаҳри бўлди».

Си Цзиньпин,
Хитой Халқ Республикаси раиси



КУН НАФАСИ

«Республика ҳудудларида тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарори қабул қилинди.

kun.uz

лараро комиссиясининг саккизинчи йиғилиши бўлиб ўтди.

kun.uz

Ташқи ишлар вазирлигида Ўзбекистон – Финляндия сиёсий маслаҳатлашувларининг саккизинчи раунди бўлиб ўтди.

mfa.uz

Сенатда Олий Мажлис Сенати раисининг биринчи ўринбосари Содиқ Сафоев ва Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши раиси ўринбосари Илём Умаров раҳбарлигидаги делегация ўртасида учрашув бўлиб ўтди.

senat.uz

Жорий йилнинг 19 май куни Ташқи ишлар вазирлигида АБДУЛЛО Комилов БМТ бош котибининг сиёсий масалалар бўйича ерданчи Мирослав Енчани қабул қилди.

mfa.uz

2019 йил 18 май куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасида илк бор Вазирлар Маҳкамасининг 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 2019 йил биринчи чорагида бажарилишининг бориши тўғрисидаги ҳисоботи эшитилди. Ҳисоботни Бош вазир ўринбосари А.Абдухакимов тақдим этди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Матбуот хизмати

Тошкент вилоятининг Паркент туманида Бош вазирнинг тадбиркорлар қабулхонаси ташкил этилди. 19 май куни Бош вазир Абдулла Арипов қабулхона фаолияти билан танишди ва шунинг ўзида бир гуруҳ тадбиркорларни қабул қилди.

kun.uz

Тошкент шаҳридаги Симпозиумлар саройида Москва давлат халқаро муносабатлар институти (МДХМИ) битирувчиларнинг V халқаро форуми бўлиб ўтди.

uza.uz

Ўзбекистон миллий кинокомиссияси Халқаро кинокомиссиялар ассоциацияси (AFCI) га аъзо бўлди. AFCI президенти Жесс Коноплиа Марказий Осиёда биринчи ҳисобланган Ўзбекистон миллий кинокомиссиясига аъзоллик сертификати топширди.

uza.uz

Олий Мажлис Сенати раисининг биринчи ўринбосари Содиқ Сафоев 20 май куни мамлакатимизга келган Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг амалдаги раиси, Словакия Республикаси ташқи ва Европа ишлари вазири Мирослав Лайчак бошчилигидаги делегация билан учрашди.

uza.uz

Халқаро валюта жамғармаси бошқарувчи директори Кристин Лагард Самарқандлик тадбиркор аёллар билан учрашди.

uza.uz

Олий суд раисининг ўринбосари Х.Едгоров ва Олий суд судьялари Навоий вилояти аҳолиси билан очик мулоқот ўтказди.

uza.uz

Тошкентда савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Швейцария ҳукумат-

kun.uz

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА ЎҚИҲ:

Қопчиқ
остидаги
«ҚОПЧОН»

АКЦИЯ

Мақтаб тўла
муаммо, аммо...



Билим
«олтин»лари
шунчалар
қадрииз(ми?)

ishonch.uz:

«Матбуот
бонг уради!»

Ishonch
Доверие

«ZO'RTV»ГА БАРИ БАРИБИР(МИ?)

QILA
DAVRASIDA

МУАММОНИНГ ЁЧИМИ
МАНФААТГА АЙЛАНМАСИН

USTAZ JOLI

«ШУНДАЙ ҚИЛГАННИНГНИ ЯНА КЎРСАМ,
ШАПАЛОҚ ЕЙСАМ!»

Zarafshon

БОЗОРДАГИ ДЎҚОН БЎЗИЛДИ. УНИНГ
МАНИМАШАСИГА КИМ НУҚТА ҚўЯДИ?

Ma'rifat

SAMARQANDDA SUDYALAR KIMGA
XIZMAT QILYAPTI?

HURRIYAT
MUSTAQIL GAZETA

ЗЕРКАЁТГАН СЕНАТОРЛАР, МЎДРАЁТГАН
ҚАТНАШЧИЛАР
Олий Мажлис Сенати ялпи
мажлисидан репортаж

Андижон
вилояти

Президент ташрифидан сўнг...

Андижон барча соҳаларда илғор ҳудудга айланажак

Давлатимиз раҳбарининг Андижон вилоятига ташрифи давомида аҳолининг турмуш даражасини оширишга қаратилган сайёҳаракатлар қўллаб-қувватланиб, авваллари тасаввурга сиғиши қийин бўлган ноёб лойиҳаларга тамал тоши қўйилгани вилоят аҳлини беҳад қувонтирди.

ҚАЙТА КАШФ ЭТИЛГАН
ХОНОБОД

Узоқ йиллар ёпиқ шаҳар бўлгани сабабли саноат ривожланмаган, кўплаб объектлари бўш ётган Хонобод шаҳри эндиликда туристик ҳудуд сифатида қайтадан кашф этилмоқда. Хонобод шаҳри 2017-

2019 йилларда комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган дастур ижроси доирасида 3 минг 200 тадан зиёд лойиҳа ижроси учун 500 миллиард сўм маблағ йўналтирилди. Натижада ўнлаб корхоналар ташкил этилиб, аҳоли

учун доимий иш ўринлари яратилди. Йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма лойиҳалари изчил давом эттирилмоқда. Адирликларда бўш турган 150 гектардан зиёд майдоннинг 20 гектаридан олиш масканлари бунёд этилаётган бўлса, қолган қисмида шаҳар аҳолиси ҳамда вилоятдаги корхона ва ташкилотлар ёнғоқ, pista, бодом, унаби етиштириб, узумзорлар барпо этмоқда.

3>

Автомобилдан сақланинг:

КУНДУЗГИ ЧИРОҚ «НЕЧА ПУЛ»ГА ТУШЯПТИ?

Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 9 апрелдаги 292-сонли қарори билан йўл ҳаракати қоидаларига ўзгартишлар киритилди. Жўмладан, эндиликда куннинг ёруғ вақтида барча автотототранспорт воситалари яқинни ёритувчи чироқларини ёки кундузги сигнал чироқларини ёқиб ҳаракатланиши шарт. Бу кўпчиликида норозилик туғдириб, эътирозли фикрлар билдирилмоқда. Хўш, аслида вазият қандай?

НИМА КЕРАГИ БОР?

Ички ишлар вазирлиги ИИВ йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси матбуот хизмати бошлиғи Акмал Юнусов ва бош бошқарма қошидаги Жамоатчилик кенгаши котиби Мансур Рихсиев бу ҳақда шундай дейди:

«Бу борада, аввало, илғор хорижий давлатлар тажрибаси ўрганилди. 2016 йил 1 мартдан кучга кирган йўл ҳаракати қои-

даларида автобус ва микроавтобуслар, йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланувчи транспорт воситаларига кундузги вақтда ҳам яқинни ёритувчи чироқларни ёқиб юриш мажбурий қилиб белгиланди. Кейинчалик таҳлиллар ва ўзгаришларга асосланган ҳолда барча транспорт воситалари кундузги яқинни ёритувчи ва кундузги сигнал чироқларини ёқиб юриши зарурлиги тўғрисидаги қарорга келинди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мамлакатимиздан ҳам иссиқроқ иқлим шароитига эга давлатларда ҳам транспорт воситалари кундуз пайти чироқ ёқиб юради. Олд томонга қараб ҳаракатланаётган автомобиль ҳайдовчиси ён томондан чироқини ёқиб келаётган транспорт воситасини кўз қири билан ҳам илғай олади. Бу хавфсизлик учун хизмат қилади. Жаҳон тажрибасида ушбу амалиёт орқали йўл-транспорт ҳодисалари 15 фоизгача камайишига эришилган. Ўзбекистон ҳудудида йилгига 9 мингтага яқин йўл-транспорт ҳодисаси қайд этилган бўлса, унинг 15 фоизгача камайиши сезиларли рақамни келтириб чиқаради. Рақамлар ортида эса инсонлар ҳаёти туради.

3>

Долзарб мавзу





Ижтимоий шериклик – меҳнат муносабатларининг бозор иқтисодиётига хос тизими бўлиб, у давлат, иш берувчи ва ходимлар манфаатига баб-баравар хизмат қилади. Жамоа шартномаси Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг қўмаклашиш дастурида белгилаб берилганидек, аъзоларни ҳимоя қилиш вазифасини амалга оширишда асосий восита ҳисобланади.

ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК АСОСИДА МУСТАҲКАМ ҲИМОЯ ЯРАТИЛМОҚДА

Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши масъул ходимларининг амалий ёрдами натижасида тизимдаги бошланғич ташкилотлар, кичик бизнес субъектлари, ходимлар сонидан қатъи назар, юридик шахс мақомига эга бўлган корхона ва ташкилотларда жамоа шартномалари тузилиб, уларга йил моҳиятидан келиб чиққан ҳолда қўшимча ва ўзгартиришлар киритилмоқда.

Масалан, тармоқ тасарруфиди бўлган «PHARM PRODUCT» МЧЖда ишловчи 98 нафар ходимнинг ижтимоий-иқтисодий ва меҳнатга оид ҳуқуқларини

ҳимоя қилиш мақсадида Федерация Кенгаши тавсия этган намуна асосида жамоа шартномаси қабул қилинган бўлиб, бу амалда тўлиқ ўзини оқламоқда. Замон талабларига жавоб берадиган, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарилаётган корхонада меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқлари иш берувчи ҳамда касаба уюшма қўмитаси ижтимоий шериклигида мустаҳкам ҳимояланаётди. Хусусан, жамоа шартномасида ходимлар даромадларини ошириш, уларга қўшимча меҳнат таътиллари бериш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш, меҳнат муҳофазаси,

моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш, саломатликларини мустаҳкамлаш каби муҳим масалалар ўрин олган.

2018 йилда жамоа шартномаси орқали меҳнатни муҳофаза қилиш, ходимларни даврий тиббий кўриқдан ўтказиш, махсус кийим-бош, аптечкалар ва турли хил дори-дармонлар билан таъминлаш, махсус гигиеник ювиш воситалари (совун, кукун) ҳамда зарарли иш ўринларига жалб қилинган ишчиларга сут-қатиқ маҳсулотлари харид қилишига қўмаклашилди.


Корхонада иш ўринларини шаходатдан ўтказиш хулосасига биноан ходимларнинг меҳнат таътиллари 3 иш ку-

Касаба уюшмаларида

нидан 7 иш кунига иш ҳақи тўланадиган қўшимча таътиллари берилиши жорий этилган. Ходимлар ишлаб чиқаришда юз бериши эҳтимоли бўлган бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ ҳолда суғурта қилинган.

Жамоа шартномасида олиёғув юртли ва касб-ҳунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, ҳозирда «Polymer plastic» МЧЖда 53 нафар 30 ёшгача бўлган ёшлар меҳнат қилмоқда. Устозлар ўзларига бириктирилган шогирдларига ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга энг кам ҳаражат сарф қилган ҳолда юқори маҳсулдорликка эришиш сирларини ўргатишяпти. Меҳнат муҳофазаси талабларига иш жараёнида тўлиқ амал қилган ходимлар доимий равишда бошланғич ташкилот тақлифига асосан рағбатлантирилаётгани ҳам ўз самарасини бераётди.

Мухайё ХОЛБОЕВА,
Кимё ва фармацевтика саноати
ходимлари касаба уюшмаси
Республика кенгаши
бош мутахассиси



Фаолият қирралари

ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ у жамиятга нима беради?

Бугун «жамоатчилик назорати» деган ибора тез-тез қўлоққа чалинади. Бундай назоратнинг қонун билан мустаҳкамланиши жойларда муаммоларнинг олдини олиш ва ўз вақтида ечим топишига хизмат қилмоқда.



Бадий Академия тасарруфидидаги муассасамизда айни пайтда 97 нафар касаба аъзолари меҳнат қилаётди. Бошланғич касаба уюшма қўмитаси меҳнат шартномалари ва муҳофазаси масаласига алоҳида эътибор қаратмоқда. Бунинг таълим муассасасида меҳнат муҳофазасини ташкил қилиш бўйича жамоатчилик назоратининг йўлга қўйилганида ҳам яққол кўриш мумкин. Бу жараёнда касаба уюшма фаолларидан иборат комиссия иш режаси асосида жамоатчилик назоратини амалга оширади. Назорат натижалари махсус журналга қайд қилиниб, иш берувчига ҳавола этилади. Бу эса қисқа муддатда кўплаб камчиликларни бартараф этишга ёрдам бермоқда.

Мисол учун айтадиган бўлсак, ошхонадаги санитария-гигиена шартларини ўрганиш жараёнида тозаловчи вентиляция тизимининг ишламаётгани аниқланиб, бу ҳақда мутасаддиларга хабар берилди. Иш берувчи ушбу муаммонни ўз вақтида ҳал қилди. Бундан ташқари, хоналардаги электр тизимларида муаммоларни бартараф қилишда ҳам назорат гуруҳи аъзоларининг кўмаги катта бўлди.


Яна бир назорат тадбирида ишчи-ходимларнинг махсус кийим билан таъминлангани, ювиниш хоналарининг жиҳозланиши, ходимларнинг дам олиш ва спорт билан шуғулланишлари учун яратилган шартнош ўрганилди. Бу борада ҳам ютуқлар билан бирга камчиликлар ошқора

таҳлил қилинди. Пировардида ювиниш ва дам олиш хоналари таъмирдан чиқарилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, иш берувчи эътирозларимизни ўз вақтида кўриб чиқмоқда. Хар бир масалага жиддий ва самимий ёндашилаётгани натижасида муассасада меҳнат муҳофазаси тадбирлари талаб даражасида йўлга қўйилган. Бу эса таълим-тарбия сифатига ҳам ижобий таъсир кўрсатаётгани шубҳасиз. Ўқитувчи ва ўқувчилар санъатнинг ҳайкалтарошлик, рассомлик, амалий санъат, дизайн ва бошқа йўналишлари бўйича кўплаб ютуқларни қўлга киритаётгани бунинг исботидир.

Яқинда меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги бўйича жамоатчилик назоратини ташкил этиш бўйича кўрик-танловнинг вилоят босқичида «Энг яхши касаба уюшма қўмитаси» номинацияси ғолиби бўлди. Меҳнатимизнинг эътироф қилиниши зиммасидаги масъулиятни янада оширди. Келгусида ҳам меҳнат муҳофазаси тадбирларини янада самарали йўлга қўйиш, ўқитувчи ва мураббийларнинг муносиб шартношларида фаолият кўрсатишлари, ўқувчиларнинг сифатли билим олиши, санъат сирларини пухта эгаллаши учун шароитни янада кенгайтириш борасида изланаверамиз.

Нилуфар ХУДОЙБЕРГАНОВА,
Урганч иқтисодлаштирилган
санъат мактаб-интернати
бошланғич касаба уюшма
қўмитаси раиси



Кўмак

Муборак Рамазон ойида бир гуруҳ нуроталиклар янги уйларга эга бўлди. Эътиборлиси шунки, ушбу уй-жойлар ногиронлиги бор, боқувчисини йўқотган, кам таъминланган, чин етим, турар жойга муҳтож оилаларга ажратилди.

Вилоят ва туман ҳокимликлари, касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши, вилоят прокуратураси ва ички ишлар бошқармаси мутасаддилари, фахрийлар, фаоллар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида янги уйлар ўз эгаларига топширилди.

– Қалбимизда шукроналикни сўз билан ифода қила олмайман, – дейди Зойир Ҳотамов. – Уйимиз йўқлиги сабабли кўп йиллар давомида ижарада турдик, кейин қайнонамизнинг уйига кўчиб ўтдик. Бир уйда 3 оила бир амаллаб кун кечира бошладик. Бунинг устига болалиқдан ногиронлиги бўлган ўғлимнинг соғлиги кундан-кунга оғирлашиб, ҳатто даволатишимизга ҳам маблағимиз етмай қолди. Бугун эса энг қувончли совғага эга бўлдим. Энди ўз уйим, хотиржам яшашга масканим бор.



Янги уйлар муборак!

Ҳамма қулайликка эга икки хонали уй қалитини олар эканман, мен ҳам бошқалар каби бахтиёр бўла олишимни англадим. Бунинг учун Президентимизга миннатдорлик билдираман.

– Давлатимиз раҳбарига мингдан-миг раҳмат, – дейди чексиз ҳаяжон ила янги уй соҳибаларидан бири Оксана Усмонова. – Биз оилада тўрт фарзанд эдик. Отонамиз дунёдан ўтиб кетишгач, бунинг устига иқтисодий танглик, яшаш жойимизнинг йўқлиги кўнгли ўқсик укам ва сингилларимнинг қаддини букиб қўйганди. Бугун оила

аъзоларимнинг қувончи чексиз. Бизга туман марказида жойлашган икки хонали уйнинг қалити тантанали равишда топширилди. Ўз уйимизга эга бўлганимиздан кўксимиз тоғдек кўтарилди. Бундай эзгу ишлар бошида турган Президентимиз Шавкат Мирзиёевга ўз миннатдорлигини билдираман.

Санъаткорларнинг дилрабо куй-қўшиқлари тадбирга кўтаринки руҳ бағишлади.

Саломат ҲАЙДАРОВА,
Навоий вилояти касаба уюшма
ташкилотлари бирлашмаси
бўлими мутахассиси



Адолат қарор топди, бироқ...

Мамакатимизда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан биридир. Афсуски, тадбиркорлик субъектларига турли тўсиқлар қўйиш ҳолатлари ҳамон йўқ эмас.

Масалан, тадбиркорлик билан шуғулланиб келаётган «ALANIYA STROY SERVIS» корхонаси маъмурияти Бектемир тумани маъмурий судига Тошкент шаҳар Бинолардан фойдаланиш департаменти мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатларини гайриқонуний, Тошкент шаҳар ҳокимининг 2017 йил 29 августдаги 1162-сонли қарорини эса ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида даъво аризаси киритган.

Суд жараёнида маълум бўлишича, Тошкент шаҳар ҳокимининг 2017 йил 29 августдаги «Ер майдонларида ободонлаштириш ва бузиш ишларини олиб бориш ҳақида»ги 1162-сонли қарори асосида корхонага мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган бино бузилиши тушган.

«Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан фуқароларга ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш тартиби тўғрисида»ги Низомда ер участкаси ёки унинг бир қисmini давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш ер эгасининг розилиги билан ёки ердан фойдаланувчи ва ижарага олувчи билан келишув бўйича ваколатли орган қарорига кўра амалга оширилиши қайд этилган. Бироқ шаҳар ҳокимияти қарор чиқаришдан олдин бинони бузиш бўйича тадбиркорнинг розилигини олмаган. Бу эса қонун талабларига зиддир.

Қолаверса, мазкур Низомда белгиланган тартибда баҳолаш комиссияси тузилмагани оқибатида тадбиркорга тегишли бўлган бинони қонуний тартибда баҳоламаган ва ҳаражатларини тўлаб бериш масаласини ҳал этмаган.

Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, тад-

биркорнинг мурожаатига асосан Адлия вазирлиги тадбиркорлик субъектларининг бузилган ҳуқуқларини тиклаш бўйича Тошкент шаҳар ҳокими номига тақдимнома, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили эса огоҳнома киритган. Бироқ улар оқибатсиз қолдирилган.

«Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг 19-моддасига кўра, давлат органининг мулкдорнинг мол-мулкни бевосита олиб қўйишга қаратилмаган қарори, шу жумладан, ер участкасини олиб қўйиш тўғрисидаги қарори муносабати билан мулк ҳуқуқининг бекор қилиниши мулкдор билан келишувга кўра ваколатли орган қарори билан амалга оширилади. Олиб қўйилаётган ер участкасидаги уйни, бошқа иморатларни, иншоотларни бузиб ташлаш

Энг фаол ёш касб эгалари

Истеъдод жилолари

Вазодаги гуллар, патқалам, кўк ва қизил матолар ҳамда бюст. Ёш мусаввирлар айни шу буюмлардан иборат яхлит манзарани натюрморт кўринишида акс эттиришяпти. Тасвир объекти умумий, аммо ёндашувлар турлича.

Кўрик-танловнинг «Дастгоҳли рангтасвир расмони – Рассом» йўналиши бўйича Бухоро вилояти босқичида ёш истеъдод эгалари ўз маҳоратларини ҳар томонлама намойиш этиш имконига эга бўлишди. Ижодий ишларни баҳолаш якуни бўйича Вобкент болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқувчиси Гулноза Жўраева энг юқори ўринга сазовор бўлди.

Мусаввирлик маҳорати

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Нишон тумани кенгаши ҳамда ҳамкор ташкилотлар ташаббуси билан ташкил этилган мусаввирлик маҳорати бўйича танловда тармоқдаги ташкилот ва муассасаларда фаолият кўрсатаётган 16-25 ёшгача бўлган ёш мутахассислар иштирок этди.

Назарий ва амалий синовлар натижасига кўра, тумандаги 20-умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси Шаҳноза Исроилова биринчи ўринга муносиб кўрилди.

Илҳомбахш онлар

Дастгоҳли рангтасвир расмони – Рассом» номинацияси бўйича танловнинг Қарши шаҳар босқичи кўплаб ёш истеъдод эгаларини кашф этди.

Натюрмортнинг композицион жойлашуви, пропорцияларнинг тўғри топилиши, ракурс ҳолати, рангларда тусларга ажратиш маҳорати, иссиқ ва совуқ ранглардан тўғри фойдаланиш каби талаблар бўйича 23 нафар ёш расмнинг ижодий ишларини баҳолаш, табиийки, осон кечмади.

Ёшларга қўшқанот

Қарши шаҳрида «Энг фаол ишчи касб эгаси» танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда шаҳар ва туманлар босқичида сараланган 56 нафар иштирокчи тўққизта номинация бўйича билим ҳамда маҳоратини синовдан ўтказди.

– Танловнинг «Компьютер ва компьютер жиҳозларини ишлаш ва дастурий таъминоти бўйича техник» номинациясида Акбар Баҳриддинов, «Ошпазлик иши» номинациясида Жамшид Муродов, «Ортопедик стоматология техник» йўналишида Шерхон Олтибоев, «Дастгоҳли рангтасвир – расм» йўналишида Нилуфар Саидова, «Қишлоқ хўжалиги машина ва жиҳозларига хизмат кўрсатиш механизми» номинациясида Сардор Муродов, «Суғурта агенти»да Абдулазиз Шомирзаев, «Умумқурилиш ишлари устаси» йўналишида Улуғбек Очилов, «Қурилиш-пардозлаш ишлари устаси»да Наврўз Баҳромов, «Бухгалтер»лар орасида Алижон Тўйчиев ғолиб деб топилди ва диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Мўйқалами майин қиз

Чироқчи туманидаги ташкилот ва муассасалар ёш ходимлари ҳамда касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ҳам расмоллик бўйича маҳоратини синовдан ўтказишди.

12 нафар иштирокчи орасидан туман маданият бўлими расмоллик тўғраги ўқитувчиси Дурдона Узоқова ғолиб деб топилди.

Куч бағишловчи рағбат

Навоий шаҳридаги «Ширин» маданият саройида ўтган тадбирда танловнинг вилоят босқичи ғолиблари тақдирланди.

«Компьютер ва компьютер жиҳозларини ишлаш ва дастурий таъминоти бўйича техник», «Қурилиш-пардозлаш ишлари устаси», «Ортопедик стоматология техник», «Ошпаз», «Сартарошлик ва декоратив косметика устаси», «Қишлоқ хўжалиги машина ва жиҳозларига хизмат кўрсатиш механизми», «Суғурта агенти», «Бухгалтер», «Рассом» номинациялари бўйича ғолибларга диплом ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Энг яхшилар аниқланди

Фарғона вилоятидаги Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ходимлари касаба уюшмаси тизимига қарашли корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган ишчи-мутахассислар ҳамда касб-ҳунар коллежи битирувчилари иштирокида кечган танловда 15 дан ортиқ ошпаз ва сартарошлар ғолиблик учун беллашди.

Фарғона шаҳар маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Зухриддин Абдулҳаев «Ошпазлик иши», «Роксана» гўзаллик саломи сартароши Ҳаётхон Омонова «Сартарошлик санъати» йўналишларида биринчи ўринни эгаллаб, республика босқичига йўлланиш қўлга киритди.

«Ishonch» мухбирлари хабарлари
асосида тайёрланди


Ҳуқуқий ҳимоя

ёки дов-дарахтларни қўпориб ташлашга зарарнинг ўрни бозор қиймати бўйича олдиндан ва тўлиқ қопланмагунга қадар йўл қўйилмайди.

Суд Тошкент шаҳар ҳокимининг 2017 йил 29 августдаги 1162-сонли қарорининг «ALANIYA STROY SERVIS» МЧЖга тегишли қисми ҳақиқий эмас деб топишни лозим кўрди. Бундан ташқари, даъвогарнинг Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бинолардан фойдаланиш департаменти мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатларини қонунга хилоф деб топиш ҳақидаги талаби ҳам қаноатлантирилди. Шу тариқа тадбиркорнинг мулкига нисбатан содир этилган адолатсизликка чек қўйилди. Бироқ ҳақли савол туғилди: бундай оворагарчиликлар одамларнинг тадбиркор бўлиш истагини сўндириб қўймайдими?

Сайдулла МИХЛИЕВ,
Бектемир тумани маъмурий
суди раиси

Андижон барча соҳаларда илғор ҳудудга айланажак



«1

Лойиҳалар якунида Андижон-Хонобод йўналиши бўйича электрлаштирилган поезд қатнови йўлга қўйиладигани, бу, энг аввало, шаҳарнинг ноёб табиати асраш йўлидаги амалий сарф-ҳаракатлардан биридир.

Президентимиз «Хонобод» сўхатгоҳида рўёбга чиқарилган ишлар билан танишиб, теварак-атрофни янада обод қилиш борасида ўз тавсияларини берди. Денгиз сатҳидан 850 метр баландликда жойлашган 180 ўринли сўхатгоҳ учун 90 миллиард сўм маблағ йўналтирилди. Ушбу масканда кислород билан тўйинган, ионлаштирилган ҳаво орқали нафас йўллари, асаб тизими, юрак-қон томир касалликлари даволанмоқда. Сўхатгоҳнинг таърифини эшитиб, узоқ-яқиндан, жумладан, АҚШ, Россия, Ҳиндистон, Хитой ҳамда Жанубий Кореядан сайёҳлар шифо топиш учун келаётгани унинг айна соҳада нечоғли аҳамиятга эга эканидан далолат.

— Хонободнинг салқин табиатига иштиёқмандлар кўп, — дейди «Андижон-кабель» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси бошланғич касба уюшма кўмитаси раиси Азизилло Нуруллаев. — Хонободликлар мисли йўқ англичанлар, ҳаёт тарзидаги ижобий ўзгаришлар учун Президентимиздан жудаям миннатдор.

«БИЗ БУГУНДАН РОЗИМИЗ»

Андижонда аҳоли зичлиги боис ҳар қарич ернинг ҳисоб-китоби бор. Ай-

ниқса, энг катта муаммолардан бири — одамларни турар-жой билан таъминлаш масаласида оқилана ечим зарур. Давлатимиз раҳбари ўтган йили вилоятга ташрифи чоғида айна жиҳатларга эътибор қаратиб, шаҳар аҳолиси учун қулай уй-жойлар барпо этиш борасида вазифалар белгилаб берган эди. Шундан сўнг ишлар жадал бошланди.

Хўжаобод туманининг Хидирша мавзеси Андижон шаҳрига туташ адирликлардан иборат. Яқин-яқинга қадар нефть қазиб олувчи бир-иккита ускунани ҳисобга олмаса, гўё инсон қадами етмагандек тасаввур уйғотар эди. Мана шу яйдок адирлар ўрнида олти ой ичида 220 та замонавий уй-жой қад ростлади. Бугун «Мустақилликнинг 27 йиллиги» деб ном олган янги маҳаллани кўриб, инсон қўли гул эканлигига тан берасиз. Бу ерда оилавий поликлиника, мактаб-гача таълим муассасаси, маҳалла гузары, кутубхона, миллий ҳаммом, гўзаллик салони, савдо дўконлари, маиший хизмат масканлари ишга туширилди. Янги турар-жойларга шаҳарнинг «Мустақиллик» маҳалласида эски барак типидagi тор, умумий ҳовлиларда бир неча оила бўлиб яшаб келаётган юртдошларимиз кўчиб киришди.

— Бугун ҳаётимда унутилмас кун, — дейди янги уй эгаларидан бири Соҳибаҳон Қўлдошева. — Бошпанамиз бузилишга тушганини эшитиб, жудаям ташвишланаётгандим. Чунки эски бўлса ҳам, бир амаллаб кун ке-

чираётгандик. Очиғини айтмай, ўрнига янги уй қуриб беришлари етти ухлаб тушимга кирмаган. Ҳозирги уйимиз аввалгисидан минг чандон яхши. Давлатимиз раҳбарининг «Одамлар эртага эмас, бугун ҳаётдан рози бўлиб яшаши керак», деган гапларининг ҳаётдаги ифодасини кўраётганимиздан кўнглимиз осмонда.

Янги маҳаллага кўчиб келаётган аҳолининг бандлигини таъминлашга устувор вазифа сифатида қаралаётир. Вилоят ҳокими айна мавзуда тадбиркорларга мурожаат қилиб, янги ишлаб чиқариш корхонаси қуриш масаласини кун тартибига қўйди. Ушбу қақирққа «Ферузбек текс» мастулияти чекланган жамияти раҳбари Фирдавс Усмонов биринчилардан бўлиб «лаббай» деб жавоб берди. Ҳокимликнинг қўллаб-қувватлаши натижасида қисқа фурсатда 500 нафар хотин-қизни иш билан таъминлашга қодир тикув корхонаси қурилиб, фойдаланишга топширилди.

— 1 миллион АҚШ доллари қийматига тенг лойиҳани амалга оширдик, — дейди корхона раҳбари. — Ишлаб чиқариш цехлари замонавий ускуналар билан жиҳозланди. Ҳозир катталар ва болалар учун 60 турдан зиёд кийим-кечаклар ишлаб чиқариляпти. Ийлига 1,5 миллион донна трикотаж маҳсулоты тайёрлаш юзасидан аниқ режамиз бор. Маҳсулотни экспорт қилиш учун россиялик ҳамкорлар билан шартномалар имзоладик.

Албатта, мазкур маҳалладаги турар-жойлар сафи ҳали яна кенгайди. Қарийб 54 гектар ерни эгаллаган ҳудудда

яна 2 сотихли 612 та уй, 168 хонадондан иборат 7 та кўп қаватли арзон турар-жойлар, 615 ўринли мактаб барпо этилиши туфайли маҳалла йирик, гавжум ва файзли мавзегга айланади ҳамда Андижон шаҳри таркибига қўшилиб, урбанизация жараёнининг кўриниши сифатида намоён бўлади.

Айни пайтда шаҳар ҳудудида 150 та кўп қаватли, жумладан, эски уй-жойлардан бўшаган «Мустақиллик» маҳалласи ўрнида 70 та 9 қаватли уй-жойлар барпо этиш бўйича режалар ишлаб чиқилган. Бу ҳаракатлар замирида, энг аввало, одамларнинг уй-жойга бўлган талабини қондириш мақсади мужассам.

Ташриф доирасида тақдим этилган лойиҳалар — вилоят марказида «Andijon city» шаҳарчаси ҳамда мамлакатимизда илк бор таунхаус уйлари барпо этилиши андижонликлар учун қўтилмаган янгилик бўлди. Президентимиз ташаббуси билан қурилиши режалаштирилаётган таунхаус уйлари камчиқимлиги, ўзининг сувни тозалаш, канализация иншооти, кичик электр станцияси, сув иситишга мўлжалланган қуёш электр станцияларига эга бўлади.

Бу эса, таъбир жоиз бўлса, Андижон вилоятда барча соҳаларда туб ислохотлар амалга оширилаётганидан далолатдир.



Нурилло НЎЗМУРОВ,
«Ishonch»



Автомобилдан сақланинг: КУНДУЗГИ ЧИРОҚ «НЕЧА ПУЛ»ГА ТУШЯПТИ?

«1

Ижтимоий тармоқларда муҳокама қилинаётган иқлим масаласига тўхталадиган бўлсак, бу ҳолатда иклимий шароитнинг ҳеч қандай аҳамияти йўқ. Чироқни ёқиб келаётган транспорт воситасини пиеда ва ҳайдовчилар узоқ масофадан илғайди, хушёр бўлади. Шу мақсадда ҳам бу қоида жорий этиляпти. Уйлаймизки, бу ўз натижасини беради ва йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишга хизмат қилади».

ДЕПУТАТЛАР:

**жарималар миқдори катта,
қарор қонун мазмунига мос эмас...**

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Расул Кушербаев, Абдурашид Абдуқодиоров ва Жамшид Пирматовнинг йўл ҳаракати қоидаларига киритилган ўзгариш бўйича мақоласи эълон қилинди. Улар шундай фикр билдиришган:

«Биз бу ўрунда янги ҳужжатнинг ишлаб чиқилиши ва қабул қилинишидан асосий мақсад ҳайдовчи ва пиедаларнинг хавфсизлигини таъминлашда юқори натижаларга эришиш назарда тутилганини эътироф этамиз. Аммо...

Мамлакатимизда йил давомида кунларнинг асосий қисми иссиқ, ёғинарчилик кам, туман ва ҳаво кам булутли минтақа экани оинбатга олинмаган. Масалан, Молдовада бундай тартиб фақат қиш мавсумида амалга киритилган ва тартибни бузганлик учун жарима чоралари қўлланилмайди.

2016 йил сентябрь ойига қадар амалда бўлган йўл ҳаракати қоидаларининг 138-бандига киритилган «Куннинг ёруғ вақтида барча автомобилларнинг транспорт воситалари яқини ёритувчи чироқларини ёки кундузги сигнал чироқларини ёқиб ҳаракатланиш шарт» деган ўзгаришнинг 2016 йил 23 сентябрдаги ЎРҚ-411-сонли қонуннинг тегишли қисми концепциясига мос келмайди.

Бироқ Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан йўл ҳаракати қоидаларининг 138-бандига киритилган «Куннинг ёруғ вақтида барча автомобилларнинг транспорт воситалари яқини ёритувчи чироқларини ёки кундузги сигнал чироқларини ёқиб ҳаракатланиш шарт» деган ўзгаришнинг 2016 йил 23 сентябрдаги ЎРҚ-411-сонли қонуннинг тегишли қисми концепциясига мос келмайди.

Ушбу тартибга риоя этмаслик оқибатида тўланмиш керак бўлган жарима миқдорлари ўртача ойлик иш ҳақларига нисбатан Италияда 85 марта, Латвияда 146 марта, Словенияда 56 марта, Финляндияда 82 марта камни ташкил этади. Бизда эса белгиланган жарима миқдори ўртача ойлик иш ҳақиға нисбатан 16-17 марта камни ташкил этмоқда...



ЕВРОПА, РОССИЯ, КАНАДА... БУ ЎЗБЕКИСТОН-КУ!

Ўзбекистон йўл ҳаракати қоидаларига ушбу талабни киритган илк давлат эмас. Масалан, Скандинавияда кундузи ёқилган чироқ билан ҳаракатланиш шарты жорий этилганига 20 йилдан ошди. Аксарият Европа мамлакатларида ушбу қоида 2000 йилларнинг бошидан буён амал қилади. МДХ ҳудуди ҳам бундан мустасно эмас: Россияда автотранспорт воситалари 2005 йилдан буён аҳоли пунктларидан ташқарида, 2010 йилдан буён эса ҳамма жойда яқини ёритувчи чироқлар билан ҳаракатланади.

Европа Иттифоқида 2011 йилда қабул қилинган қарорға кўра, 2011 йилдан чиққан барча янги автомобилларга ишлаб чиқарувчи заводнинг ўзи кундузги чироқларни ўрнатиши шарт. Лекин автомобиль 2011 йилдан аввал ишлаб чиқарилган бўлса, умуман бундай талаб йўқ. Британияда бу «Дейтайм раннинг лайтс» дейилади. Янги машиналарда одатда фара атрофига чиройли светодиод чизикли чироқ ўрнатилган. У автомобиль мотори ўти олиши биланоқ автоматик тарзда ўзи ёнади.

Кундузи чироқ ёнган бўлиши ҳақиқатдан ҳам ҳалокатларнинг олдини олиши мумкин. Масалан, Канадада авариялар шу туфайли 5 фоизга камайгани қайд қилинган. Европада 2011 йилдан кейин чиққан автомобилларга талаб ҳайдовчига эмас, ишлаб чиқарувчига қўйилган... Ўзбекистонда барча ҳайдовчилардан кундузи фараларни ёқиб юриши талаб қилиниши қанчалик тўғри экан?

ЁНГНЛАР КЎПАЙДИ!

БУ ХАВОНИ НЕГА ҲИСОБГА ОЛМАЙМИЗ?

Қўшни Қозоғистон давлатининг жанубий қисми — Чимкент шаҳрида ҳам автомобилларнинг чироқлари ёқиб юриши оқибатида ёниб кетиши кузатилад.

Илгариоқ ижтимоий тармоқларда ёнаётган автомобиллар акс этган суратлар тарқалган эди. Интернет-фойдаланувчилари ушбу ёнғиларга ЙЎҚга киритилган янги тузатишлар — кундузи фараларни ёқиб

юриш сабаб бўлганини айтишмоқда.

ФВВ Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси ходимларининг маълум қилишларича, ёнғинга сабаб бўлган электр ўтказгичларнинг техник қониқарсиз ҳолатлари кўпинча эски йилларда ишлаб чиқарилган автомобилларда учрайди. Бундан ташқари, улар техник кўрик давомида электр ўтказгичларга алоҳида эътибор бериш зарурлигини таъкидлайди.

НАТИЖАНИ КУЗАТАМИЗ

Таҳлиллар пойтахтимизнинг айрим туманлари йўлларидаги вазиятнинг юзаки таҳлили автомобил эгаларининг тахминан 1-2 фоизи янги талабга риоя этаётганини кўрсатмоқда. Бунинг бир нечта сабаблари бор. Хусусан, ўзгаришларга тайёргарлик қўрилмаган. 2018 йил 13 апрелдаги 3666-сонли Президент қарорининг 4-бандида талаб қилинганидек, лойиҳа дастлаб жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилмаган. Бундан ташқари, ҳужжатда автохаваскорлар билан ахборот-тушунтириш ишларини олиб бориш учун қоридани амалга киритишни бир мuddатга кечиктириш назарда тутилмаган.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, ҳар йили бутун дунёда йўл ҳаракати ҳодисалари натижасида бир миллион нафарга яқин инсон ҳа-



ётдан бевақф кўз юмади, 38 миллион нафардан ортиғи эса турли даражадаги тан жароҳати олади. Шундай экан, ҳар қандай шароитда ҳам хавфсизлик қоидаларига амал қилиш жуда муҳим.

Мухтасар айтганда, чироқ билан боғлиқ қарор ҳайдовчилар онгда ҳали «пишиб» улгурмагани аён бўлиб қолмоқда. Шу билан бирга, рақамлар, далил ва асослар адолат тарозусида яна бир бор тортилмоғи, бунда одамларнинг асабийлашиши эмас, балки босқинлик ва ички тушунишига эришилиши мақсадга мувофиқ.



Озода РЎЗИКУЛОВА,
«Ishonch»



Ечим изланмоқда

Газетанинг шу йил 8 апрель сонида чоп этилган «Ёланиб ишловчи аёлларнинг муаммоларига ечим борми?» сарлавҳали мақолага Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг Давлат меҳнат инспекцияси қўйидагича муносабат билдирди:



«Меҳнат бозорида аҳолини вақтинчалик иш билан таъминлашда шунга ихтисослашган бюрлар орқали амалга оширишга эҳтиёж сезилмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 18 майдаги «Вақтинчалик бир марталик иш билан таъминлаш марказларини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тизимидаги Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари таркибидagi вақтинчалик бир марталик иш билан таъминлаш бюрлари ташкил этилган бўлиб, уларнинг фаолияти йилдан-йилга яхшиланиб бораётганини таъкидлаш жоиз. Бугунги кунда ҳудудий Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари таркибига 28 та бюро фаолият юритаётир.

Вақтинчалик бир марталик ишларга ёланиш жараёнида ишсиз шахсларга кўмаклашиш мақсадида бюро томонидан қуйидаги ишлар амалга оширилмоқда:

— вақтинчалик бир марталик ишлаш истагидаги фуқароларга янги иш ўринлари вакант иш ўринлари тўғрисида ҳамда касога тайёрлаш курслари тўғрисида мунтазам равишда маслаҳатлар берилмоқда;

— хусусий тадбиркорлик соҳасида иш бевуричларга вақтинчалик бир марталик ишларда ишлаш истагидаги фуқароларни ишга ёллашда кўмаклашиш ишлари кучайтирилмоқда;

— амалдаги меҳнат қонунчилигига мувофиқ хусусий иш бевуричларнинг бюрларга бўш иш ўринлари тўғрисида маълумот тақдим қилмаслиги сабабли бир марталик иш билан банд этиш тадбирлари амалга оширилмоқда;

— бюрларда вақтинчалик бир марталик иш изловчи фуқаролар учун арзонлаштирилган овқатланиш шохобчалари ҳамда ижтимоий-маиший хизмат шароитлари яратилмоқда;

— вақтинчалик иш билан шуғулланадиган фуқароларга жамоат тартибини сақлаш ва қонунчиликка риоя этиш тўғрисида тушунтиришлар берилмоқда.

Бюрларда эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда қўшимча равишда ижтимоий-маиший (ошхона, сомсахона, сартарошхона, пойабзал тузатиш устaxonаси ва бошқалар) бино-иншоотлар қуриш, ходимларни рағбатлантириш ва моддий-техник базасини яхшилаш учун талаб этиладиган харажатлар Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасининг маблағлари ҳисобига амалга ошириш белгиланган. Шу билан биргаликда, ушбу муаммони ҳал этишнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамиятини ҳисобга олиб, ҳақ тўланадиган жамоат ишларини республика бюджетидан молиялаштириш режалаштирилмоқда.

Бундан ташқари, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигида «Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида»ги қонунга мувофиқ, иш қидираётган шахсларга иш танлаш ва ишга жойлашиш, иш бевуричлар учун кадрлар танлаш бўйича хизматлар кўрсатиш, шунингдек, ишга жойлаштириш соҳасида ахборот ва маслаҳат хизматлари кўрсатувчи 81 та хусусий бандлик агентлиги реестрдан ўтказилди».

Давлат меҳнат инспекцияси
бошлиғи ўринбосари

С.Сўлайманов

Тўтиқушнинг табдили...

Таҳририят газетанинг шу йил 21 апрель сонида чоп этилган «Исми шарифлар ким эди? Ёҳуд фамилияни ўзгаришнинг зарурати ва оқибатлари ҳусусида» сарлавҳали мақола бўйича ҳуқуқий тушунтириш бериш учун Адлия вазирлигига мурожаат йўллаган эди.

Унга Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги директори ўринбосари Н.Муҳаммадиев имзоси билан жавоб хати келди. Унда Оила кодекси, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан тасдиқланган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардаги фамилия, исм, ота исмини ўзгариш тўғрисидаги қоидалар баён этилган.

Ҳолбуки, мақолада қонунчиликда белгиланган мазкур тартибларни қонун ижодкорлари қайта кўриб чиқиши зарурлиги таъкидланган эди. Долзарб мавзудаги чиқишга бу тарзда муносабат билдирилиши Адлия вазирлиги масъулларининг «мендан кетгунча, эгасига етгунча» қилибида иш тутганидан далолатдир.

Хўш, бундай йўл билан бирор мақсадга эришиш мумкинми? Масалага жиддий ёндашиб, муаммога ечим излаш ўрнига ҳаммага маълум гапни тўтиқушдек такрорлашдан кимга наф?



Уйғоқ сукунат садоси

Бир томчи сувга қараб денгиз қудратини ҳис қилиш имконияти бўлганидек, шеърлардан ижодкорнинг бадий маҳорати, сир-у синоатга лиммо-лим кўнглининг товланишлари сезилиб туради. Мана сизга мисол. Турсун Али ижоди. Шоир китоблари номларининг ўзиёқ («Зангори овоз», «Сокин ҳайқирик», «Уйғоқ сукунат», «Гулгаётган юрак», «Ой япроғи») ўқувчини ҳайрат оламига етаклайди. Инсонни ўйлантириб, унинг руҳини минг кўчага кириб чиқишга мажбур қиладиган, тағ маъносини англаш учун юқори тафаккур талаб қилинадиган сатрлар ўқувчини ақлий зўриқишга мажбур қилади. Бундай таҳлиллардан олинган завқ эса бетакрор.


Турсун Али яхши таржимон ҳамдир. У япон, хитой, вьетнам шоирларининг шеърларини ўзбек тилига маҳорат билан ўттирган. Ижодкор янги фикр, янги гоя, янги овоз доим зарур, буларсиз адабиёт қўлмақда қолади, деб ҳисоблайди.

Яхши ёзувчи бўлишдан олдин яхши ўқувчи бўлиш керак деганларидек, шоир Турсун Али ҳам болаликданоқ мутлоага ўч бўлган. Ижодкор ўз устида жуда кўп ишлашини ёнида олиб юрган шеърини тўпламларидаги шеърларнинг устидан қайта ёзиб-чизганидан, тўғрилаганидан ва китоб бошига «Ўзим учун ишлашга» деб ёзиб қўйганидан ҳам билиб олиш мумкин.

Замонавий шеърини янги англаш қийин. Унда китобхон шеърни эмас, шеър китобхонни танлайди. Турсун Али шеърларини ҳам қабул қилиш ва тушуниш шеърхондан нафақат бадий, балки руҳий ва ақлий тайёргарлики ҳам талаб этади.

Мен шеър ёзаялман
Ҳеч ким ўқимайди биламан уни,
Ҳатто ўқимайсан севгилим сен ҳам.
Бироқ
Сенга аталгани учун шеъримни
Мен ўзим ўқияман титраб-энтикиб.
Дилдан чиққан самимий мисралар шоирнинг сўз танламаслиги, оддийгина тушунчалар замирига ҳам гўзал бадий инкишофлар жойлай олишини кўрсатади.

Дурдона БУЛТАКОВА,
Алишер Навоий номидаги
Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти
университети талабаси



«Ўзбекино» Миллий агентлигининг «Республика кинопрокат маркази» 14 майдан 25 майгача бўлиб ўтаётган 72-Халқаро Канн кинофестивали доирасида очилган «Marche du Film» кинобозорига 50 та турли жанр ва йўналишлардаги бадий, ҳужжатли ва анимацион фильмларни тақдим этмоқда.



Жаҳон кинобозорига йўл

Булар ичида «Имом Абу Исо Муҳаммад Термизий», «Исломхўжа», «Берлин-Оққўрғон», «Иссиқ нон», «Элпарвар», «Тинчлик ортида», «Сарвқомат дилбарим», «Ҳаёт», «Барон» каби фильмлар бор. «Республика кино прокат маркази» стенди ер юзининг турли бурчакларидан келган кино дистрибуторлари, продюсерлар ҳамда тадбиркорлар билан гавжум.



Юртимиз киносининг истиқболи учун манфаатли бўлган музокаралар ўтказилиб, қатор ҳамкорлик шартномалари имзоланмоқда. Америка, Ҳиндистон, Германия, Корея каби давлатлар кинотадбиркорлари билан тузилган шартномалар шулар жумласидандир.

Мўғулистоннинг «Джител Кон-тент» фирмаси Марказий Осиё бўйлаб ўзбек фильмларининг дистрибуциясини ўз зиммасига олган. Фирма Канн кинобозорига ташкил қилган стендини ўзбек фильмларининг постерлари билан безаган, тақдим этаётган фильмлар каталогида ўзбек киноси маҳсулотлари учун алоҳида саҳифалар ажратган.

«Marche du Film» кинобозори давом этмоқда. Унда ўзбек киноси жаҳон кино экранлари сари қадам ташлади.

Шоира РАУФБОВЕВА,
«Республика кинопрокат маркази»
жамоатчилик ва ОАВ билан ишлаш
бўлими бошлиғи



Пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги «Янгитарнов» маҳалласида истиқомат қилувчи Мухайё ая Оқилова хонадони доимо гавжум. Нуруний онахон тўқсон ёшда. Маҳалланинг улўғи, ҳамманинг маслаҳатгўйи, дуоғўйи. Шу сабаб бу хонадондан ҳеч қачон қадам аримайди.

Бахт калити — меҳнатда

Яқинда Тошкент шаҳар қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими бошлиғи Равшан Маҳмадалиев ва бир гуруҳ фаоллар қутлуғ рўза кунларида аяни йўқлаб келишди.

Бир умр эл саломатлиги йўлида жон куйдириб, ҳалол ишлаган, муносиб издошлар тайёрлаган, ҳалигача ўқиб-ўрганишда давом этаётган Мухайё аянинг бундан кўнгли кўтарилди, юраги тўлиқди, гулдаста-ю совғаларга бағри тўлди. Самимий ва дилкаш суҳбат узоқ давом этди. Ўтмиш хотиралари, ишдаги ҳодисалар бирда қулиб, бирда маънос тилга олинди.

...Ая Пискентда таваллуд топган. Болалиги Иккинчи жаҳон уруши даврига тўғри келган. Қизалоқ мактабга бориш, билим олишни жуда-жуда истар, аммо замон болалигининг но-зик елкасига ҳам оғир юк ортганди. Мухайё тенгқурлари каби мактабга номигагина борар, у ердан тўғри пахта даласига йўл олар, катталар би-



лан барабар меҳнат қиларди.

Ота — ишчи батальонда, икки ака — урушда. Оилада Мухайё онаси ва опаси билан қолган эди. Ана шундай шароит уни тез ўлғайтирди.

Ғалабадан кейинги йиллар ҳам осон кечмади. Меҳнат фронтдан қайтган ота қизини Пискентдан Тошкентга ўқишга олиб келди. Тиббиёт техникумига ўқишга кирган Мухайё машаққатларга, қоникарсиз шароитга, етишмовчиликка қарамай, билим олишга интиларди. Техникум ётоқхонасида ота-онадан йироқда яшайдиган қиз бир кунда 400 грамм қоранон, уйдан ҳафтада бир келиб турадиган бир халта талқон билан қи-фояланарди. Дам олиш кунларидагина Мухайё Тошкентда яшайдиган амакисиникида иссиқ овқат еб, чой ичарди.

Ҳикмат

Меҳнат, меҳнат! Меҳнат қилаётганимда ўзимни қанчалар бахтиёр ҳис этаман.

Л. ТОЛСТОЙ

Пир-у бадавлатларимиз

Ўқишни тугатган Мухайё киндик қони тўкилган масканга қайтди. Пискентда безгак таркаган, очлиг-у машаққатлардан силласи қуриган одамларни ҳаётдан олиб кетган эди. Мухайё Оқилова ўшанда атиги 16 ёшга кирган бўлса-да, ўзини йўқотиб қўймади, беморларга малакали ёрдам кўрсатди. Қиз эпчиллиги, билими, ишни пухта қилиши, беморларга тўғри ва тез ташхис қўйиши, ҳар бир кўнглига йўл топа олиши билан тилларга тушди, одамлар меҳрини қозонди. Тошкент шаҳридан иқтидорли ҳамширалар излаб келган профессорлар эътиборини тортиди ва уларнинг тавсияси билан Тошкент тиббиёт институтида билим олишни давом эттирди.

Институти тугаллаган Мухайё тиббиётнинг турли соҳаларида ишлаб, билим ва тажрибасини бойитиб борди. Оқ либоси ўзига ярашган шифокор ширин сўзи ва қалбидagi муҳаббат билан беморларни даволай бошлади. Олий маълумотли шифокор қизни тақдир сийлади. Тошкентга яхши оилага келин бўлиб тушди. Ая 15 кишилик хонадонга келин бўлган, барчаси зиёли эди. Оила аъзолари эрта тонгдан ўз юмуши билан чиқиб кетар, оқшом пайти бир дастурхон атрофида жам бўлишарди. Кечликдан сўнг аянинг қайнотаси газета-журналларни ўқиб берар, қизинг мунозаралар бўларди. Ишда баъзан қаттиққўл, баъзан меҳрибон шифокор бўлган, беморлар соғлиги, ҳатто ҳаёти учун курашган ая уйда жонсарақ бекага айланарди. Рўзғорнинг охири кўринмас юмушларини бажарар, катта хонадондаги барчаннинг кўнглини олишни уддаларди.

Бир умр сабрга суяниб яшаган, турмуш синовларини муносиб енгиб ўтган онахон бахт калити меҳнатда эканини ўз ҳаёти мисолида исботлаб келмоқда.

Муҳаддас РАЗЗОҚОВА,
«ISHONCH»



Никоҳ

Никоҳ деб аталган ришта нафақат икки инсон ҳаёти билан боғлиқ ҳодиса, балки жамият тақдирига дахлдор масала. Аммо кейинги вақтда кўплаб оилалар таназзули омманинг хавотирига сабаб бўлмоқда. Ғарбда оилавий муносабатлар кун сайин чигаллашмоқда. Энг ёмони, бу иллатдан четдамыз, бу муаммонинг бизга дахли йўқ, дея олмаймиз. Мамлакатимизда ҳам ажралишлар кўпайиб бораётгани сир эмас. Боболаримиз «бир оила бўзилса, Арш ларзага келади», дейишган. Таассуфки, ҳар кўни ўнлаб оилалар тарқаб кетмоқда.

Аршни ларзага солманг!

Хўш, бунинг сабаблари нимада? Биз, одатда, хатони кўпроқ маиший муносабатлардан излаймиз. Ваҳоланки, оилавий парокандалик дунё миқёсида ўзининг табиий йўсинидан анча илдамлаб кетганини, бу жараён муайян ташқи кучлар таъсирида тезлашиб бораётганини кўп ҳам ўйлаб кўрмаймиз. Бугун «оммавий маданият» ниқоби остида кириб келаётган индивидуализм, эгоцентризм

ва тинглаш маданиятига эга эмаслиги оқибатида ҳам оилалар бузилаётганига гувоҳ бўлиш мумкин.

Маҳаллаларда тузилган Яраштириш комиссиялари ўз вазифаларини етарли даражада бажармаётгани кетганини, бу жараён муайян ташқи кучлар таъсирида тезлашиб бораётганини кўп ҳам ўйлаб кўрмаймиз. Бугун «оммавий маданият» ниқоби остида кириб келаётган индивидуализм, эгоцентризм ва тинглаш маданиятига эга эмаслиги оқибатида ҳам оилалар бузилаётганига гувоҳ бўлиш мумкин. Маҳаллаларда тузилган Яраштириш комиссиялари ўз вазифаларини етарли даражада бажармаётгани кетганини, бу жараён муайян ташқи кучлар таъсирида тезлашиб бораётганини кўп ҳам ўйлаб кўрмаймиз. Бугун «оммавий маданият» ниқоби остида кириб келаётган индивидуализм, эгоцентризм ва тинглаш маданиятига эга эмаслиги оқибатида ҳам оилалар бузилаётганига гувоҳ бўлиш мумкин.

Оилага тааллуқли бўлган ҳар қандай муаммо эр ёки хотиннинг ишсизлиги, айрим оилаларнинг уй-жойга эга эмаслиги, фарзандлар ҳам, тарбиясидаги ноқисликлар, эркак ёки аёлнинг жиноятга қўл ургани, яқин қариндошлар ўртасидаги келишмовчиликлар — булар оилавий муносабатларга таъсир кўрсатмай қолмайди. Қайноналарнинг орқича даражада талабчанлиги, ёшларнинг оилага енгил-елпи қараётгани, сабрсизлиги, муомала

Оилани мустаҳкамлашга хонадоннинг ҳар бир аъхотиннинг ишсизлиги, айрим оилаларнинг уй-жойга эга эмаслиги, фарзандлар ҳам, тарбиясидаги ноқисликлар, эркак ёки аёлнинг жиноятга қўл ургани, яқин қариндошлар ўртасидаги келишмовчиликлар — булар оилавий муносабатларга таъсир кўрсатмай қолмайди. Қайноналарнинг орқича даражада талабчанлиги, ёшларнинг оилага енгил-елпи қараётгани, сабрсизлиги, муомала

Тошпўлат МАТИБАЕВ,
социология
фанлари доктори

Эълон

Зангиота туманидан 2012 йил 9 августда рўйхатдан ўтган «WIGHT LINE BUSINESS» масъулияти чекланган жамияти корхона устав жамғармасининг 73 554 000 (етмиш уч миллион беш юз эллик тўрт минг) сўмдан 41 044 545 (қирқ бир миллион қирқ тўрт минг беш юз қирқ беш) сўмга камайишини маълум қилади.

Хоразм вилояти қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси бирлашмада узоқ йиллар ишлаган меҳнат фахрийси
Озод ОТАЖОНОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ҳамда яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Мухайё ИСМОИЛОВА

МУАССИС:

O'zbekiston
kasaba
uyushmalari
Federatsiyasi

2007 йил 11 январда
Ўзбекистон Матбуот ва
ахборот агентлигида
116-рақам билан рўйхатга
олинган.

Бош муҳаррир
Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:

Қасаба уюшмалари ҳаёти — (71) 256-64-69
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт — (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт — (71) 256-82-79
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш — (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна — (71) 256-87-73

www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон
Республикаси Президентининг фармон ва
қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий,
танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни
билан танишишингиз мумкин.

Манзиллими:

100165, Тошкент шаҳри,
Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.
Газета «Ishonch»нинг компьютер
марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида
чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Тўрмон кўчаси, 41-уй.

Тахририят ҳисобрақами:

2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «Ipoteka bank» Яшнобод филиали,
банк коди: 00959, СТИП: 201133889, ОКЗД: 58130

Худудлардаги муҳбирлар:

Қорақалпоғистон
Республикаси — (+998-99) 889-90-22
Андижон — (+998-99) 889-90-23
Бухоро — (+998-99) 889-90-31
Жиззах — (+998-99) 889-90-25
Наманган — (+998-99) 889-98-02
Навоий — (+998-99) 889-90-28
Самарқанд — (+998-99) 889-90-26
Сирдарё — (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё — (+998-99) 889-90-32
Фарғона — (+998-99) 889-90-24
Хоразм — (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё — (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳририят нуктаи
назаридан фарқланishi мумкин.

Навбатчи муҳаррир:

Х. Норбоев
Муҳасби:

С. Шодиева

Саҳифаловчи:

Ҳ. Абдуҷалилов

ЎЗА яқини — 22:10
Тошпирлиди — 00:20

Газета офсет усулида,
А-2 форматда босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Буюртма Г — 517.
30112 нускада босилди.
Нашр қўрсаткичи: 133

1 2 3 4 6